



ТЕЗКОР ҚИДИРУВ ФАОЛИЯТИНИ ХУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Мирсалихова Гузал Алаутдиновна

ИИБ Академияси

Тезкор қидирув фаолияти
кафедраси катта ўқитувчиси,
ПОДПОЛКОВНИК.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7262974>

ARTICLE INFO

Received: 08th October 2022

Accepted: 18th October 2022

Online: 29th October 2022

KEY WORDS

Тезкор қидирув фаолияти,
Тезкор-қидирув фаолияти
тўғрисидаги қонун, фармон,
қарор ва Маҳалла ҳуқуқ-
тартибот маскани.

Бугунги кунда жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш давлатнинг энг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади. Жиноят аломатларини ва жиноят содир этган шахсларни топиш, жиноят иши юзасидан далил тариқасида фойдаланиш мумкин бўлган маълумотларни аниқлаш мақсадида илмий-техника воситаларидан фойдаланган ҳолда, зарур чоралар кўриш юзасидан терговга қадар текширувни амалга оширувчи органлар томонидан амалга оширилган тезкор-қидирув фаолияти ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш муҳим ўрин тутди. Ҳуқуқ тартибот органлари фаолиятини юртимизда тартибга солувчи муҳим норматив ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди ва ушбу ҳужжатлар билан тезкор қидирув фаолияти ҳам кескин ўзгаришлар рўй берди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси 2012 йил 25

ABSTRACT

Ушбу мақолада бугунги кунда тезкор қидирув фаолиятида амалга оширилган ислохотлар, уларнинг ҳуқуқий асослари ва тезкор қидирув фаолиятида ўзгаришлар, ушбу фаолиятда иш олиб борувчи ходимларга бугунги кунда муаммолари ҳамда ҳуқуқшунос олимлар фикрлари кенг ўрганилиб таҳлил қилиниб таклифлар ишлаб чиқилган.

декабрдаги “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида” ЎРҚ-344-сон қонуни қабул қилиниши ушбу соҳада махсус ваколат берилган давлат органларининг тезкор бўлинмалари (бундан буён матнда тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар деб юритилади) томонидан тезкор-қидирув тадбирлари ўтказиш орқали амалга ошириладиган фаолият тури этиб белгиланди.^[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 апрелдаги 5005-сон “Ички ишлар органлари фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чор-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонига асосан ҳамда ИИОлари жиноятларни ўз вақтида аниқлаш, олдини олиш қидирув ишларини амалга оширишни такомиллаштириш мақсадида



Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва унинг ҳудудий бўлинмаларининг тезкор-қидирув фаолияти самарадорлигини оширишда асосий йўналишлар ва муҳим вазифалар белгиланди. Мазкур Фармон талабларидан келиб чиқиб, ички ишлар органларининг тергов, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, тезкор-қидирув, эксперт-криминалистика, патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш, миграция ва фуқароликни расмийлаштириш, йўл ҳаракати хавфсизлиги, ёнғин хавфсизлиги бўлинмаларини фуқароларга тезкор ва сифатли хизматлар кўрсатиш ҳамда ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, барвақт олдини олиш ва фош этиш имконини берувчи замонавий ахборот-коммуникация технологиялари жорий этиш ишлари жадал олиб борилмоқда[2].

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартдаги “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6196-сон фармони билан Жиноят қидирув бош бошқармаси, Терроризм ва экстремизмга қарши курашиш бош бошқармаси, Тезкор-қидирув ҳамкорлиги бошқармасини ўз ичига оладиган Тезкор-қидирув департаменти ташкил этилди[3].

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 4 апрелида қабул қилинган “Ички ишлар органларининг жамоат хавфсизлигини

таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида” ПҚ-5050-сон қарори қабул қилиниб ушбу қарор билан Ички ишлар таянч пунктлари тугатилиб Маҳалла ҳуқуқ-тартибот маскани ташкил этилди ва тезкор қидирув фаолиятини олиб борувчи тезкор вакиллар ҳудудда хизмат қилиш учун бириктирилган туман (шаҳар) ички ишлар органларидан чиқарилиб Маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканига бириктирилди.

Шуни алоҳида айтиш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-27-сон фармони қабул қилиниши жамоат тартибини сақлашда Ички ишлар вазирлиги шу жумладан тезкор қидирув соҳасида фаолият олиб борувчи органларга ҳам вазифа юклатилди.

Жумладан:

- жамоат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган мақсадли идоравий дастурларни ишлаб чиқади, тасдиқлайди ва амалга оширади;
- жамоат тартибини сақлаш, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, жиноятчилик, терроризм ва экстремизмга қарши курашиш бўйича чора-тадбирларни амалга оширади;
- жамоат жойларида, шу жумладан йўлларда, транспорт ва туризм инфратузилмаси объектларида жамоат хавфсизлигини таъминлашга жалб этилган барча куч ва воситалар фаолиятини мувофиқлаштиради ҳамда



ташкилий-услубий жиҳатдан қўллаб-қувватлайди;

– фуқаровий ҳамда хизмат қуроли ва унинг ўқ-дорилари муомалада бўлиши соҳасига доир қоидалар ва тартибга, ушбу соҳадаги лицензия ва рухсат беришга оид талаблар ҳамда шартларга риоя этилишини таъминлайди;

– ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширади, ҳуқуқбузарликларни содир этишга мойил шахсларни аниқлайди;

– жамоат жойларида содир этиладиган ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг комплекс, тизимли таҳлилини олиб боради, уларни келтириб чиқарувчи омилларни бартараф этиш, мавжуд куч ва воситалардан самарали фойдаланиш юзасидан таклифлар, кўриб чиқилиши мажбурий бўлган тақдимномалар ва тавсиялар киритади;

– жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи оммавий тартибсизликларга чек қўйиш бўйича тадбирлар юзасидан умумий бошқарув тизимини таъминлайди;

– жамоат хавфсизлигини таъминлаш ҳолати ҳақида кенг жамоатчиликни мунтазам хабардор қилиб боради, бу борада жамоатчилик фикрини ўрганади;

– жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида илмий-тадқиқот ва ташкилий-услубий ишларни амалга оширади[4].

Тезкор қидирув фаолиятида амалга оширилган ишлар яъни ислоҳотлар ушбу фаолият ривожига қандай фойда келтиради деган савол туғилади. Ушбу саволга мақола муаллифи қуйидагича жавоб беради. Жумладан бугунни кунда тезкор қидирув фаолиятидаги ислоҳотлардан мақсад қуйидагилар муаммо камчиликларни бартараф

этишдир. Булар қуйидагилар намоён бўлади:

биринчидан, тезкор қидирув фаолиятини ташкил этиш асослари ҳудудларда жиноятни ошиши сабабли ушбу ҳудудларни ривожланиш қизил ҳудудларини камайтириб яшил ҳудудларни кўпайтириш эвазига жойларда тўпланиб қолган муаммоларнинг ўз вақтида ҳал этилиш; *иккинчидан*, айрим тезкор қидирув фаолиятини амалга

ошириувчи органларга юклатилган вазифаларнинг декларатив хусусиятга эгалиги, уларни амалга оширишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмлари етарли эмаслиги, вазифаларнинг такрорланиши ва давлат томонидан ортиқча тартибга солиш ҳолатларининг мавжудлиги амалга оширилаётган ислоҳотлар самарадорлигига салбий таъсир кўрсатишини олдини олиш;

учинчидан, тезкор қидирув фаолиятини амалга ошириувчи органлари фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилишнинг амалдаги тизими қабул қилинаётган қарорларнинг ижросига тўсқинлик қилувчи тизимли муаммоларни ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этиш;

тўртинчидан, тезкор қидирув фаолиятини амалга ошириувчи органлари фаолиятини баҳолаш механизмларини жорий этиш орқали жойлардаги ишларнинг ҳаққоний ҳолатини акс эттириш;

бешинчидан, тезкор қидирув фаолиятини амалга ошириувчи органлари ва ушбу фаолият раҳбарлари жавобгарлик соҳасининг аниқ чегараси, айниқса, жойларда тезкор қидирув фаолиятини амалга ошириувчи органларининг ички



идоравий ва идоралараро ўзаро ҳамкорлигининг таъсирчан механизмлари яратиш;
олтинчидан, тезкор қидирув фаолиятини ривожлантириш дастурларини шакллантириш ва ходимларнинг энг муҳим муаммоларини ҳал қилишда ички ишлар органлари ролини ошириш;
еттинчидан, тезкор тадбирлар жараёнида ишларни режалаштириш ва ташкил этишнинг замонавий инновацион услубларини, илғор ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш даражаси қабул қилинаётган қарорларнинг самарали амалга оширилишини таъминлаш ва унинг жараёнини тезкор кузатиб бориш имконини бериш, шунингдек, тезкор қидирув фаолияти бошқарувида ортиқча бюрократлаштириш ва юқори сарф-харажатларга сабаб бўладиган омилларга барҳам бериш;
саккизинчидан, тезкор қидирув фаолиятини амалга ошириувчи органлари томонидан жиноятларни олдини олиш уни барвақт фош этиш етарли даражада тизимди ташкил этиш;
тўққизинчидан, ИИОлари соҳалар аро ҳамкорликни янада ривожлантириш, ҳамкорликни тизимли йўлга қўйиш, бошбошдоқчилликка йўл қўймаслик ҳамда бошқа ХМҚО органларининг тезкор қидирув фаолиятини амалга оширувчи соҳалари билан ҳамкорликни янада такомиллаштиришдир.
Ушбу ўзгаришлар амалга оширилгани билан ҳуқуқшунос олимлар тезкор қидирув фаолиятини янада такомиллаштириш борасида қўйидаги фикрларни билдиришмоқда. Жумладан,

Х.М. Набиев фикрига кўра, ахборот асрида мамлакатимизда тезкор-қидирув фаолияти ни ахборот билан таъминлашда ҳанузгача кўп йўналишларда эски усуллардан фойдаланиб келинмоқда. Бу эса, тезкор қидирув фаолиятини ташкил этишда муаммо ва турли тўсиқларни келтириб чиқаради[5] деб фикр билдирса Н.Н. Бекмуродов езкор-қидирув фаолияти натижаларини терговга тақдим этиш тартиби идоралараро қарор орқали, ошкора натижаларини эса Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг нормалари билан тартибга солиниши лозим [6] деб ўз таклифларини билдирганлар.
Бундан ташқари, Пулатов Ш ҳамкорлик мустаҳкамлаш борасида қўйидаги фикрни билдиради. Унинг фикрича, терговчининг тезкор-қидирув органлари ходимларининг ўзаро ҳамкорлиги энг муҳим жараёнлардан бири саналади.
Ушбу жараёнларни пухта ва олдиндан тузилган режа асосида амалга оширилиши ўз ижобий самарасини беради. Терговчининг иши осонлашади ва ўз вақтида белгиланган вазифаларни амалга оширишга улгуради[7] деб билади. Ушбу ҳолатдан ҳам кўриш мумкинки, ҳамкорлик механизмни такомиллаш тирувчи ва мустоҳкамловчи йўл харитасига эҳтиёж мавжуд.
Хулоса ўрнида, юқоридаги олимлар фикрига қўшилган ҳолда тезкор қидирув фаолиятини янада такомиллаштириш мақсадида қўйидаги таклифларни беришни жоиз топдик:
биринчидан, бугунги кунда тезкор қидирув фаолияти ҳам ахборот асрини инobatга олиб ушбу соҳанинг қидирув



бўлимлари фаолиятини самарали ташкил этиш мақсадида А.А.Таштемиров ва С.А. Калауов тақидлаганидек, қидирув эълон қилинган шахслар ва транспорт воситаларини танишнинг электрон тизимини тезкор ташкил қилиш ва ундан кейинчалик самарали фойдаланишни таъминлайдиган амалий механизмни жорий этиш[8] яъни норматив ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиш зарурияти борлигини кўриш мумкин;
иккинчидан, тезкор қидирув фаолиятини Ш.Х. Қушбоқов

тақидлаганидек, ҳоқимият ёки бошқа ваколатлар билан таъминланган ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилиш функциялари[9] белгиланган қонунчиликни замон талабларига мос равишда қайта кўриб чиқиш зарурияти мовжуд;
учинчидан, тезкор қидирув фаолиятини янада такомиллаштириш мақсадида ушбу фаолиятда ўз иш фаолиятини олиб боровчи шахсларнинг шахсий хавфсизлигини таъминлашга доир норматив ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиш зарур.

References:

1. Ўзбекистон Республикаси 2012 йил 25 декабрдаги “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида” ЎРҚ-344-сон қонуни. Электрон манба: <https://lex.uz/docs/2107763>. Мурожаат вақти: 21.10.2022й.
2. Набиев Х. М. ТЕЗКОР-ҚИДИРУВ ФАОЛИЯТИНИ АХБОРОТ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ ВА ТЕЗКОР-ҚИДИРУВ ИШНИНИ ЮРИТИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ АЙРИМ ЖИХАТЛАРИ //E Conference Zone. – 2022. – С. 34-39.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартдаги “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6196-сон фармони. Электрон манба: <https://lex.uz/docs/5344118>. Мурожаат вақти: 21.10.2022й.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-27-сон фармони. Электрон манба: <https://lex.uz/docs/5749291>. Мурожаат вақти: 21.10.2022й.
5. Набиев Х. М. Тезкор-қидирув фаолиятини ахборот билан таъминлаш ва тезкор-қидирув ишнини юритишни ташкил этишнинг айрим жиҳатлари //E Conference Zone. – 2022. – С. 34-39.
6. [6] Бекмуродов Н. Н. ТЕЗКОР-ҚИДИРУВ ФАОЛИЯТИНИ НАТИЖАЛАРИДАН ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА ИСБОТ СИФАТИДА ФОЙДАЛАНИШДАГИ АЙРИМ МУАММОЛАР //ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ. – 2022. – №. SI-2.
7. Пулатов Ш. Тергов ва тезкор-қидирув органлари ходимларининг ўзаро ҳамкорлиги самарадорлигини таъминлаш масалалари //Общество и инновации. – 2022. – т. 3. – №. 7/S. – С. 48-53.
8. Таштемиров А. А., Калауов С. А. ЙЎЛ ҲАРАКАТИ ХАВФСИЗЛИГИ РИВОЖЛАНИШ КОНЦЕПЦИЯСИНING ИСТИҚБОЛЛАРИ ВА КИБЕРХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ



ЗАРУРАТИ //BARQARORLIK VA YETAKCHI TADQIQOTLAR ONLAYN ILMIY JURNALI. – 2022.
– т. 2. – №. 8. – С. 245-250.

9. Қушбоқов Ш. ЖАЗОНИ ИЖРО ЭТИШ МУАССАСАЛАРИНИНГ ЮРИДИК ШАХС
СИФАТИДАГИ ТУШУНЧАСИНИНГ ТАСНИФИ //Development of pedagogical technologies in
modern sciences. – 2022. – т. 1. – №. 4. – С. 58-63.